Ўша вактдаги АКШнинг 28-президенти Томас Вудро Вильсон (1856-1924) большевикларга карши кураш ташаббускори бўлиб, кад тиклаётган «ўрис айиги» ни «бешиги»даёк бўгиш ниятида эди. У АКШ президенти сифатида эмас, «Нобель» мукофоти совриндори сифатида хам дунёда обрўси баланд бўлиб, большевикларга карши курашчилар билан музокарага тайёр эди. Вильсон 1919 йил 18 январда Парижда бошланган тинчлик конференциясида большевикларга карши курашаётган барча мухолифатчиларга махсус хат йўллаб, уларни Шахзода оролларига таклиф этганди. Олти оролдан иборат мазкур сўлим маскан Истанбулнинг ёнгинасида бўлиб, гарб давлатлари рахбарларининг бу ерга денгиз йўли билан етиб келиши кутилаётганди. Вильсон мухолифатчилар билан кучларни бирлаштириб, большевикларга зарба бериш ва тугатишни Париж тинчлик конференцияси кун тартибидаги долзарб масалалардан бири этиб кўйганди. Шу боис, бу масалани Истанбул якинидаги оролда бевосита мухолифатчилар билан мухокама килиш, вазиятни батафсил тахлил килишга тайёр эди.

АКШ президенти билан эса теран мулохазали, вазиятни беш кўлдай биладиган туркистонлик большевиклар мухолифатчиси музокара олиб бориши керак эди. Бундай инсон эса ўша вактда Бехбудий бўлиб, у Бокуга, ундан Истанбулга ўтиб, Шахзода оролларига етиб бориши ва биринчи жахон урушида голиб бўлган давлат рахбарлари билан болшевизмга карши кураш буйича музокарани бошлаши керак эди.

Муфтийни ким кўлга туширди

Бу пайтга келиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидан ташкари, Ўрта Осиёнинг катта кисмини забт этган большевиклар, хусусан, уларнинг айгокчилик махкамаси—ВЧК" кенг тармок отиб улгурганди. ВЧК аксилайгокчилик тармоги оркали Версал конференциясида большевикларга карши кураш масаласи мухокама этилишидан, унда болшевикларнинг ичкаридаги мухолифатчилари иштирок этишидан бохабар бўлганди. Шундай экан, кайсики мухолиф киши ёки гурухнинг четга чикиши кандайдир йўллар билан Версал конференциясига боришидан дарак берарди. Ўша вактда Туркистон ичида «босмачилар»дан ташкари, бош мухолифат лидери, табиийки, муфтий Бехбудий хазратлари бўлиб, унинг 1919 йил февралида Тошкентга келиб, вазият билан танишиб кетгани хам ВЧКга маълум бўлган.

Кўп ўтмай, Самаркандга кайтиб келган Бехбудийнинг у ерда туркиялик Наим афанди билан учрашгани хакидаги хабар тезда уларга етиб боради. Бундай вазиятда эса кузатув остидаги Бехбудий уйида кўринмай колди. Шунинг ўзиёк ён-атрофдан муфтийнинг дарагини излаш ишлари олиб борилишига сабаб бўлди. Тошкентдаги большевиклар ВЧКасига Русиянинг Бухородаги элчихонаси ходими Уткин, Бехбудийнинг Бухорога келганини кўрган одамлар борлиги хакида хабар беради. Муфтийнинг яна бир мухолифи—амир Сайд Олимхондан уни тутишда фойдаланиш маъкуллиги эса тезда энг макбул вариант сифатида танланади. Бундан олдинрок большевиклар Бехбудийнинг амир билан ракиблигини билиб, муфтийдан Олимхонни кулатишда фойдаланишни хам

ўйлагандилар. Бирок Бехбудийнинг нафакат амир билан, балки большевиклар билан хам муросага боролмаслиги аён бўлганди. Шундай экан, уни амир кўли билан гумдон килиш энг осон йўл эди. Бехбудийнинг Самарканддан пинхона чет элга чикканлигидан огох бўлгач эса бундан кулай пайт сифатида фойдаландилар. Яъни, олдинига чор охранкаси, эндиликда эса ВЧК айгокчиси бўлган Уткин Бухородаги кизил Русия элчихонаси ходими сифатида амир билан тезда богланиб, Бехбудийнинг Бухорога келиб, «ёш бухороликлар» билан учрашгани, бу ердан Олимхонга карши куч тўпламок максадида хорижга кетаётганини шипшитган. Бу эса муфтий Бехбудийни шундогам жини суймайдиган амир учун кулай бўлди. Боз устига, муфтий амирлик худудида экан. Шу тарзда большевиклар амир кўли билан Бехбудийнинг изига тушди.
Натижада, 1919 йил апрелида амир буйругига кўра, Шахрисабзга етиб борган Бехбудий ва унинг уч хамрохи камокка олинади. Бу хакдаги хабар 1919 йилнинг 23 апрелида «Мехнаткашлар товуши» газетасида чоп этилиб, муфтий «Бухоро тупрогидан ўтаётганларида турк муаллим Наим Афанди ила Карши шахри беги тарафидан кўлга олиниб, зиндонга ташлангани» айтиб ўтилганди. Большевикча матбуот цензураси томонидан тайёрланган бу хабар оркали гўёки Бехбудий амир буйругига кўра, Тогайбек томонидан зиндонга солингани, яъни муфтийнинг халк орасида обрў козонганини била туриб, халкдаям амирга карши кайфиятни кучайтириб, ўзларини ок килиб кўрсатмокчи бўлгандилар.

Зиндондаги рахмдил... жаллод

Муфтийнинг хамрохи бўлмиш Наим афандини Туркия билан муносабатларни ёмонлаштирмай, дея Карши шахри беги кўйиб юбортиради. Бехбудий, Мардонкул ва Мухаммадкуллар эса, Карши шахрига олиб келиниб, шахсан Тогайбек томонидан зиндонда кийнок ва азобларга солинади. Обрў-эътиборли муфтийнинг кийнокка солинишидан, хатто, бекнинг жаллоди Ахмад вахимага тушиб, Тогайбекдан муфтийни озод килишни ўтиниб сўрайди. Бекдан буни илтимос килишининг сабаби, улар муфтийни зиндонбанд килганларида, Бехбудий уларга ўз махфий сафарларини яшириб, хажга кетаётибмиз, деб айтган эди. Шу йўл билан у мусулмон бек ва жаллодларнинг кўлидан озод бўлишни ўйлаганди.

Аммо Тогайбек муфтийга карата: «сизлар жадид ва кофирдирсиз, Бухорога, жаноби олийга тиг тортган сизнинг маслакдошингиз эмасмилар эди? Сизларни ўлдурмок керак. Сизлар кутулмок учун Байтуллохга бормокни бахона этиб кўрсатасиз», дейди. Хатто, муфтийнинг тарафини олган жаллоди Ахмадниям калтаклатиб, сўнг ўлимга хукм килади. Бехбудий ва унинг хамрохларини эса, «Наука и просвещение» журналининг 1922 йил 1-сонидаги хожи Муиннинг маколасидаги фикрларга кўра, «ўзлари учун кабр казишга мажбур этадилар ва шу кабр ёнида уларни бўгизлаб, шу ерга кўмадилар».

Шу тарика 1919 йил июн ойининг бошларида Карши шахрида буюк маърифатпарвар муфтий Махмудхўжа Бехбудий 44 ёшида фожиали катл килинди. Гарчи, улуг

маърифатчи Бехбудий шахид бўлса-да, истиклолга интилган аждодимиз сифатида тарихда колди ва колажак.

Умид Бекмухаммад